

ЙИРИК СОЛИҚ ТЎЛОВЧИЛАР СОЛИҚ МАЪМУРЧИЛИГИ: МУАММО ВА ЕЧИМЛАР

Ш. Жумаев

Тошкент давлат иқтисодиёт университети

мустақил тадқиқотчиси (PhD)

<https://doi.org/10.5281/zenodo.12742347>

Аннотация: Давлат молия тизимининг барқарорлиги солиқ ва йиғимларнинг ўз вақтида ва тўлиқ бюджетга тушиши билан таъминланади. Бугунги кунда, солиқ сиёсатининг асосий йўналишларидан бири солиқ маъмурчилигини такомиллаштириш бўлиб, бу орқали - ишбилармонлик муҳитини яхшилаш, соғлом рақобатни шакллантириш, солиқ юкини камайтириш орқали ўз таъсирини кўрсатади.

Ушбу мақоланинг долзарблиги солиқ тушумларининг ярмидан кўпрогини таъминлаётган Йирик солиқ тўловчилар солиқ маъмурчилигининг янада такомиллаштириш зарурлигини кўрсатмоқда. Солиқ маъмурчилиги солиқларнинг йиғувчанлигини ошириш билан бир қаторда солиқ мажбуриятларини амалга оширишнинг қулайлигини амалга оширишдан иборат.

Калим сўзлар: солиқ, бюджет сиёсати, бюджет, солиқ маъмурчилиги, йирик солиқ тўловчилар, солиқ салоҳияти, солиқ юки, солиқ ставкаси, солиқ тушумлари, солиқ имтиёзлари.

Аннотация: Стабильность государственной финансовой системы обеспечивается своевременной и полной уплатой налогов и сборов в бюджет. Сегодня одним из основных направлений налоговой политики является совершенствование налогового администрирования, которое проявляется в улучшении бизнес-среды, создании здоровой конкуренции и снижении налогового бремени.

Актуальность данной статьи указывает на необходимость дальнейшего совершенствования налогового администрирования крупных налогоплательщиков, обеспечивающих более половины налоговых поступлений. Налоговое администрирование направлено на улучшение собираемости налогов, а также на облегчение выполнения налоговых обязательств.

Ключевые слова: налог, бюджетная политика, бюджет, налоговое администрирование, крупные налогоплательщики, налоговый потенциал, налоговое бремя, налоговая ставка, налоговые поступления, налоговые кредиты.

Abstract: *The stability of the state financial system is ensured by the timely and full payment of taxes and fees to the budget. Today, one of the main directions of the tax policy is the improvement of the tax administration, which shows its effect by improving the business environment, creating healthy competition, and reducing the tax burden.*

The relevance of this article indicates the need for further improvement of the tax administration of large taxpayers, who provide more than half of tax revenues. Tax administration aims to improve the collection of taxes, as well as to facilitate the implementation of tax obligations.

Key words: *tax, budget policy, budget, tax administration, large taxpayers, tax potential, tax burden, tax rate, tax revenues, tax credits.*

Кириш: Хорижий мамлакатларнинг солиқ тизими солиқ тўловчиларининг муайян қатламига эътибор қаратиш йўли билан солиқ маъмуриятчилигини такомиллаштиришга ҳаракат қилмоқдалар. Йирик солиқ тўловчилар томонидан солиқ қонунчилигига риоя этилишини махсус механизмлар орқали назорат қилиш усули давлатнинг молиявий маблағларини бошқаришда катта фойда келтиради. Йирик солиқ тўловчиларни алоҳида режимда назорат тизимнинг яратилиши бюджет-солиқ қонунчилигига қатъий риоя этилишига ва солиқ маъмуриятчилиги самарадорлигининг ошишига олиб келади.

Ўзбекистон Республикасида солиқ ва бошқа мажбурий тўловлар йиғилувчанлигининг зарур даражасини таъминлаш мақсадида Йирик солиқ тўловчилар фаолиятини ташкил этиш, уларнинг солиқ маъмуриятчилигини амалга ошириш ҳамда солиқ мажбуриятларини бажариш бўйича ўзаро ҳамкорлик асосида сервис-техник хизмат кўрсатилишини тубдан такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Ўзбекистон солиқ тизимида йирик солиқ тўловчиларнинг фискал аҳамияти жуда юқори ҳисобланиши, йирик солиқ тўловчилар томонидан бюджетга тўланган маблағларнинг умумий бюджетда салмоқли ўринга эга бўлганлиги сабаблар йирик солиқ тўловчилар солиқ маъмурчилигидаги муаммоларни ечиш орқали уларни янада ривожлантириш жуда муҳим аҳамиятга эга.

Адабиётлар шарҳи: Йирик солиқ тўловчилар солиқ маъмурчилигини такомиллаштиришга оид илмий тадқиқотлар кўпгина мамлакатларда кенг миқёсдаги долзарб тадқиқот йўналишини сифатида ўрганилиб келинмоқда.

Жумладан, МДҲ давлатларидан Россия Федерациясида биринчилардан бўлиб, йирик солиқ тўловчиларни бошқариш ва ушбу тизимни яратиш амалга

оширилган бўлиб, 1998 йилдан йирик солиқ тўловчиларни бошқариш мақсадида солиқ органи марказий апаратида махсус бўлим ташкил этилган. Мазкур амалиёт бўйича илмий тадқиқот олиб борган А.Каратаев ўз тадқиқотларида асосий масала сифатида йирик солиқ тўловчиларнинг солиқ маъмуриятчилиги тушунчалари ва функцияларининг мазмуни, йирик солиқ тўловчиларнинг солиқ салоҳиятини баҳолаш орқали давлат бюджетига таъсири, унинг мантиқий модели, солиқ органларининг йирик солиқ тўловчилар билан самарали солиқ муносабатларини шакллантиришни таъминлайдиган энг самарали солиқ маъмуриятчилиги воситаларини танлаш масалалари, йирик солиқ тўловчининг солиқ салоҳиятини стратегик таҳлил қилиш услубиёти масалаларига кенг эътибор қаратган. Шу билан бирга, йирик солиқ тўловчиларнинг солиқ маъмуриятчилиги оид тадқиқотлар кенгайиб, А.Федоров, Г.Айтхожина, М.Белугина, Л.Струкова, Т.Камалнев каби тадқиқотчилар йирик солиқ тўловчиларнинг ўзига хос хусусиятларини илмий-амалий жиҳатдан тадқиқ қилган.

Тадқиқот методологияси: Ушбу мақолада мантиқий усул ва моделлаштириш усуллари, таҳлил ва синтез, норматив ёндашув, тизимли ва қиёсий таҳлил, статистик таҳлил усулларида фойдаланилган.

Таҳлил ва натижалар муҳокамаси: Йирик солиқ тўловчи тоифасига киритишдан бошланадиган, уларни ҳисобга олиш, улар доирасида солиқ объектларини рўйхатга олиш, уларга нисбатан солиқ имтиёзларини бериш ҳамда солиқ қарзларини ундириш борасидаги солиқ хизмати органларининг ёндашувини ўз ичига оладиган солиқ сиёсати маълум бир шаклланиш жараёнига эга. Дарҳақиқат йирик солиқ тўловчилар тоифасига солиқ тўловчиларни киритиш асосида уларни солиққа тортишнинг ўзига хос ёндашувлар асосидаги солиқ маъмурчилигини қўллаш кўп бўлмаган бўлсада, аммо бу борада ўзига хос тажрибаларни шакллантириш эволюцион жараён давом этмоқда. Бу ҳолатни илмий-услубий жиҳатдан назарий таҳлил қилиш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаган ҳолда унинг шаклланиш ҳолатини кўриб чиқамиз.

Ўзбекистон солиқ тизимида йирик солиқ тўловчиларга оид солиқ маъмурчилиги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 18 июлдаги "Солиқ маъмуриятчилигини тубдан такомиллаштириш, солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг йиғилувчанлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПФ-5116-сонли Фармонида алоҳида белгилаб берилди. Ушбу фармонда Янги Ўзбекистон солиқ тизимининг муҳим муаммолари билан биргаликда миллий солиқ тизимида солиқ маъмурчилигини тубдан

такомиллаштиришнинг муҳим йўналишлари кўрсатиб ўтилди. Унга кўра, “солиқ маъмуриятчилиги ва назоратини ташкил этиш тартиби ҳамда методологиясини тубдан такомиллаштириш, хўжалик юритувчи субъектлар ва жисмоний шахсларнинг солиқ юкени янада камайтириш, бир хил солиқ солиш объектларига эга бўлган солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни бирлаштириш, солиқ солишнинг соддалаштирилган тартибини қўллаш учун қўшимча мезон (оборотнинг чегаравий миқдори) жорий этишни ва ушбу миқдор ошган корхонага, кичик тадбиркорлик субъекти мақомини сақлаб қолган ҳолда, қўшимча солиқ мажбуриятларини белгилаш, хўжалик юритувчи субъектларни “йирик солиқ тўловчилар” тоифасига киритиш мезонларини белгилаш”⁸ каби устувор вазифалар белгилаб берилди ҳамда йирик солиқ тўловчилар тоифасига кирувчи солиқ тўловчиларга нисбатан алоҳида солиқ маъмурчилиги ва унинг ҳуқуқий асослари шакллантирила бошланди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Давлат солиқ хизмати органлари фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2018 йил 26 июндаги ПҚ-3802-сон қарорида ҳам мамлакатимиз солиқ тизимида йирик солиқ тўловчиларга оид давлат солиқ хизмати органлари томонидан амалга ошириладиган солиқ маъмурчилиги билан боғлиқ устувор вазифалар ҳам белгилаб берилган. Йирик солиқ тўловчиларга оид солиқ маъмурчилигини ташкил қилишда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 17 апрелдаги 320-сон “Давлат солиқ хизмати органлари фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори билан тасдиқланган “Йирик солиқ тўловчилар бўйича ҳудудлараро давлат солиқ инспекцияси тўғрисида Низом” алоҳида аҳамият касб этади.

Унда Йирик солиқ тўловчилар бўйича ҳудудлараро давлат солиқ инспекциясининг йирик солиқ тўловчилар фаолиятини тартибга солиш масалалари кўрсатилган ва “жойлашган жойи ва амалга ошираётган фаолиятидан қатъий назар, йирик солиқ тўловчиларнинг солиқ маъмуриятчилигини амалга ошириш вазифаси юкланган”. Мазкур инспекциянинг асосий вазифалар сифатида: “йирик солиқ тўловчилар ҳисобини ташкил этиш ва улардан солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатларида кўзда тутилган солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг тўлиқ тушишини таъминлаш, йирик солиқ тўловчилар фаолиятида солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя қилиниши бўйича солиқ назоратини ташкил этиш, йирик солиқ тўловчиларга

⁸ www.lex.uz Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 18 июлдаги “Солиқ маъмуриятчилигини тубдан такомиллаштириш, солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг йиғилувчанлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5116-сонли Фармони

солиқ мажбуриятларини бажариш бўйича ўзаро ҳамкорлик асосида сервис-техник хизмат кўрсатилишини амалга ошириш, йирик солиқ тўловчилар маъмуриятчилиги доирасида солиққа оид ҳуқуқбузарликларни профилактика қилиш, аниқлаш ва олдини олиш бўйича комплекс тадбирларни амалга ошириш” кабилар белгиланган.

Шунингдек, мажбуриятларнинг Низомда солиқ тўловчиларни йирик солиқ тўловчилар тоифасига киритиш мезонларини белгилаш Давлат солиқ қўмитаси ваколатига киритилган. Шу мақсадда, Давлат солиқ қўмитаси томонидан Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил 12 июлда 3172-рақам билан рўйхатдан ўтказилган “Юридик шахсларни йирик солиқ тўловчилар тоифасига киритишнинг мезонларини белгилаш тўғрисидаги низом” тасдиқланди. Унда эса, юридик шахс мақомига эга бўлган йирик солиқ тўловчилар тоифасига киритишнинг мезонлари белгилаб берилди.

Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси таркибига кирувчи институционал тузилма - Йирик солиқ тўловчилар бўйича ҳудудлараро давлат солиқ инспекцияси тузилди ва унга асосий вазифа сифатида жойлашган жойи ва амалга ошираётган фаолиятдан қатъий назар, йирик солиқ тўловчиларнинг солиқ маъмуриятчилигини амалга ошириш вазифаси юкланди.

**Ўзбекистонда йирик солиқ тўловчилар тоифалари кирувчи
корхоналарнинг мезонлар бўйича сонининг динамик ўзгариши таҳлили⁹**

№	Йирик солиқ тўловчилар тоифалари	Йиллар					
		2019	2020	2021	2022	2023	2024
	Жами сони	1416	836	1149	957	886	2187
1	Акциз тўланадиган товарлар ишлаб чиқарувчи ва акциз солиғи солиғи бўлган хизматлар кўрсатувчи корхоналар	78	111	117	117	114	110
2	Тижорат банклари, товар, фонд ва валюта биржалари	895	34	34	35	35	40
3	Навий КМК АЖ, Олмалиқ КМК АЖ ва уларнинг таъсисчилигидаги ташкилотлари	12	12	12	4	4	4
4	Маҳсулот тақсмоти бўйича шартномалар бўйича ишларни бажаришда иштирок этувчи ташкилотлар	5	5	5	5	5	5
5	Ўтган календар йил охирида маҳсулот (товарлар, ишлар, хизматлар) сотишдан тушган соф тушумлари 100 миллиард сўмдан ортиқ ёки кетма-кет ўн икки ойлик давр охирида ушбу суммадан ошган юридик шахслар	341	460	742	565	513	1821

⁹Солиқ қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган.

6	Углеводородлар ва минерал ресурсларни қазиб олиш, қайта ишлаш, етказиб бериш ва сотиш, шунингдек, электр энергиясини ишлаб чиқариш ва етказиб бериш билан шуғулланувчи юридик шахслар, ёқилғи қуйиш шохобчалари бундан мустасно	78	190	215	175	137	126
7	Ўзбекистон Республикаси ҳаво ҳудудидан халқаро ҳаво қатновларини амалга оширувчи йўловчи ташиш мақсадлари учун фойдаланувчилар ва уларнинг таъсис этувчи юридик шахслари	7	24	24	20	24	24
8	Реализация қилиш жойи Ўзбекистон Республикаси бўлган электрон шаклдаги хизматларни реализация қилишни амалга оширувчи чет эл юридик шахслари	-	-	-	36	54	57

Йирик солиқ тўловчилар бўйича ҳудудлараро солиқ инспекцияси томонидан хизмат кўрсатиладиган йирик солиқ тўловчилар таркиби 2019 йилда 1 416 та, 2020 йилда 836 та ва 2021 йилда 1149 та, 2022 йилда 957 тани ва 2023 йилда 886 тани, 2024 йилга келиб эса 2187 тани ташкил этган.

2020 йилда солиқ тўловчилар сонининг кескин пасайиши айнан шу даврда тижорат банклари ва уларнинг республика миқёсидаги филиалларини трансформация қилиниши ҳисобига тўғри келади. 2020 йилдан амалга киритилган янги Солиқ кодексига асосан ҳамда тижорат банклари учун солиқ ҳисоботларини топшириш ва тўловларни амалга ошириш жараёнини соддалаштириш мақсадида банк филиалларининг солиқ ҳисоби юритиладиган шахсий ҳисобварақалари уларнинг бош офисларининг шахсий ҳисобварақаларига бирлаштирилган. Натижада, тижорат банкларига қўшимча қулайликларни яратилишига, барча солиқ турлари бўйича марказлаштирилган ҳисоб-китоб ва тўловларни амалга оширишда, ҳисобот шаклларини тақдим этилиш жараёнлари фақат бош офислар орқали амалга оширилиши йўлга қўйилган.

Бугунги кунда йирик солиқ тўловчиларга оид солиқ маъмурчилигидаги мавжуд муаммолардан бири бу йирик солиқ тўловчилар тоифасига кирувчи корхоналарни аниқлашда қўлланиладиган мезонлар билан боғлиқдир. Маълумки, Юридик шахсларни йирик солиқ тўловчилар тоифасига киритишнинг мезонларини белгилаш тўғрисидаги низомга кўра, маҳсулот (товар, иш ва хизмат) ларни сотишдан олинган соф тушуми ўтган календар йил якуни бўйича 100 миллиард сўмдан юқори бўлган ёки кетма-кет келадиган ўн икки ойлик давр якуни бўйича ушбу миқдордан ошган юридик шахслар, чет эл юридик шахсининг Ўзбекистон Республикасидаги доимий муассасалари

(бўлинмалари) мезонига тўғри келадиган солиқ тўловчилар йирик солиқ тўловчи сифатида белгиланган.

Аmmo, бу мезон мамлакатдаги мавжуд инфляция даражаси, корхоналарнинг ишлаб чиқариш қувватлари ва маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмининг қийматларининг ошиши, уларнинг ривожланиши нуқтаи назаридан бугунги кун талабларига мос келмай қолмоқда.

Мазкур мезон 2019 йил товар айланмасидан келиб чиқиб ҳисобланган бўлиб, инфляция даражаси 2019 йилда 15,2 фоизни, 2020 йилда 11,1 фоизни, 2021 йилда 10 фоизни ва 2022 йилда 12,3 фоизни, 2023 йилда эса 8,7 фоизни ташкил этиб, умумий ҳисобда 2019 йилга нисбатан 57,3 фоизга ошган.

Натижада 2024 йилга келиб йирик солиқ тўловчилар сонининг 2187 тани ташкил этиб, кескин ошиб кетиши натижасида Йирик солиқ тўловчилар бўйича ҳудудлараро солиқ инспексияси томонидан ҳам уларнинг солиқ маъмурчилигини юритишда қийинчиликлар туғдирмоқда.

Хулоса ва таклифлар: Солиқ тўловчиларнинг фискал салоҳиятини баҳолаб бориб, уларни алоҳида гуруҳлар доирасида таҳлил қилишни ва шунга мос солиқ сиёсатини амалга оширишни тақозо этади. Бундан кўринадик, солиқ тўловчиларни кўламейлик жиҳатдан солиққа тортиш турли йўналишдаги алоҳида солиқ маъмурчилигини тақозо этади.

Йирик солиқ тўловчилар солиқ маъмурчилигини янада такомиллаштириш билан боғлиқ қуйидаги таклифларни амалиётга жорий қилиш мақсадга мувофиқ:

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2019 йил 12 июлда 3172-сон билан рўйхатга олинган “Юридик шахсларни йирик солиқ тўловчилар тоифасига киритишнинг мезонларини белгилаш тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида” қарор билан тасдиқланган Низомнинг:

- а) банддаги Акциз тўланадиган товарлар ишлаб чиқарувчи ва акциз солиғи солиғи бўлган хизматлар кўрсатувчи корхоналар мезонини қисмидан “Акциз тўланадиган товарлар ишлаб чиқарувчи ва акциз солиғи солиғи бўлган хизматлар кўрсатувчи корхоналар (Пиво ва мотор мойи ишлаб чиқарувчилар бундан мустасно) деб ўзгартириш;

- д) бандидаги 100 миллиард сўмлик чегарани инфляцияни ҳисобга олган ҳолда “меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдори” га боғлаш;

Адабиётлар рўйхати:

Каратаев, А.С. Концепция налогового крупнейших налогоплательщиков и методология его оценки. Автореферат диссертации на соискание ученой степени доктор экономических наук. Йошкар-Ола-2011.

Федоров, А.Н. Налоговое администрирование и стимулирование инвестиционной активности крупнейших налогоплательщиков. Автореферат диссертации на соискание ученой степени кандидат экономических наук. Нижний Новгород 2010.

Айтхожина Г.С. Особенности планирования выездных налоговых проверок крупнейших налогоплательщиков // Вестник Омского университета. Серия: Экономика. 2011. № 1. С. 190–192.

4. Белугина М.В. Налоговое администрирование крупнейших налогоплательщиков: проблемы, пути совершенствования // Инновационное развитие экономики. 2015. № 5 (29). С. 27–30.

Струкова Л.А. Проблемы налогового администрирования крупнейших налогоплательщиков // Actualscience. 2016. Т. 2, №. 11. С. 269–271.

Камалнев, Т.Ш. Налоговое администрирование крупнейших налогоплательщиков. Автореферат диссертации на соискание ученой степени кандидат экономических наук. Москва 2009.

Жумаев Ш. Йирик солиқ тўловчиларга оид солиқ маъмурчилигини такомиллаштириш масалалари: и. ф. д (PhD) илмий даражасини олиш учун ёзилган дисс. автореферати // Тошкент. – 2023. – Т. 2. – С. 2018-2022.

Жумаев Ш. Йирик солиқ тўловчиларга оид солиқ маъмурчилигини такомиллаштириш масалалари. Монография. – Тошкент, Иқтисодиёт нашриёти ДУК, 2023.-161 б.

Жумаев, Ш. (2023). Йирик солиқ тўловчилар солиқ маъмурчилигини такомиллаштиришнинг ўзига хос хусусиятлари. *Iqtisodiy Taraqqiyot Va Tahlil*, 1(1), 131–136. Retrieved from <https://e-itt.uz/index.php/eitt/article/view/20>

Jumaev Shuxrat. (2023). Yirik soliq to'lovchilarning mohiyati, guruhlanishi va aniqlash mezonlari . *Journal of New Century Innovations*, 28(1), 36–44. Retrieved from <https://www.newjournal.org/index.php/new/article/view/5934>

Sh. Jumaev. (2023). Features of improving the tax administration of major taxpayers. *Open Access Repository*, 4(03), 252–257. <https://doi.org/10.17605/OSF.IO/J7SZK>

Жумаев, Ш. . (2022). Йирик солиқ тўловчиларнинг солиқ тушумлари прогнозларини такомиллаштириш масалалари. *Economics and Innovative Technologies*, 10(6), 335–341. https://doi.org/10.55439/EIT/vol10_iss6/a36